



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мустофакулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, капитан

Дўсмуродов Мирдамир Эшбоевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
ихтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 211-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15227583>

ARTICLE INFO

Received: 31th March 2025

Accepted: 10th April 2025

Published: 16 th April 2025

KEYWORDS

Профилактика инспектори,
ҳуқуқбузарликлар, сабаблар ва
шарт-шароитлар, тақдимнома,
бартараф этиш.

ABSTRACT

Ушбу мақолада профилактика (катта) инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш фаолияти бўйича, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда олдини олиш, тақдимнома ва унинг турлари, профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича киритилган тақдимномаларни бажармаслик бўйича жавобгарлик масалалари ҳақида сўз боради.

Инсон яратилибдики жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этилиши давом этиб келмоқда. Ушбу содир этилган ҳар бир жиноятларни сабаб ва шарт шароитларини, жиноятнинг содир этилганини туб мақсадини, унга олиб келган сабаб ва шарт-шароитлари, омилларини аниқлаш ва ўрганиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг иккинчи йўналиши бўйича қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек,

2017-йилнинг 9-февралида ички ишлар органлари тизимида ўтказилган видеоселектор йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан тергов ва айблаш билан чекланмай, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг шарт-шароит ва омилларни ўрганиш, профилактика мақсадида

ҳар бир жиноят тафсилотларини ички ишлар органлари раҳбарлари, профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари иштирокида чуқур таҳлил қилиш зарурлиги таъкидланиб, ички ишлар органлари таркибий тузилмаларини оптималлаштириш, фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган бир қатор вазифаларнинг қўйилиши ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга доир фаолияти долзарб аҳамият касб этди.

Мазкур масаланинг долзарблиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2022 йил 27 июль куни жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида: *“Ҳар бир жиноятнинг илдизигача етиб бориш, жамиятда жиноятчиликка қарши курашиш иммунитетини шакллантириш керак. Акс ҳолда, жиноятнинг оқибатлари билан овора бўлиб юраверамиз. Бундай кайфият билан ишлашга йўл қўймайман”*¹ деб бежизга таъкидламаганлар.

2017 йил 14 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ

2833-сонли қарорнинг қабул қилиниши ушбу жараёни янада жадаллаштирди.

Масалага криминологик нуқтаи назардан ёндашилса, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши шахсда шаклланган маънавий-руҳий ҳолат (ғайриижтимоий ҳуқ-атвор)нинг ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги муайян ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқага киришиши натижасида юзага келиши маълум бўлади. Бунда шахс онгида мавжуд бўлган ғайриижтимоий ҳуқ-атвор ёки жамиятга зид қарашлар ҳуқуқбузарликнинг сабаби сифатида гавдаланса, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги муайян ижтимоий муҳит ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига имконият яратган шарт-шароит тариқасида ифодаланади.

Криминолог олимлар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт шароитларига нисбий тушунчалар деб қаралади. Чунки, ушбу нисбийлик содир этилган ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарган омилларнинг қайси бирларини сабаб ёки қайсиларини шароит деб белгилашнинг мукамал чегараси мавжуд эмаслиги, натижада уларни аниқлашда турли чалкашликларни келиб чиқишида намоён бўлади. Айнан шунинг учун ҳам олимлар бу икки тушунчани у “сабаб” ёки “шароит” бўлишидан қатъий назар, ҳуқуқбузарлик содир этилишини таъминловчи омиллар, деб ҳисоблайди. Шу боис уларни комплекс тарзда ўрганишда битта криминоген “детерминант”, яъни “ҳуқуқбузарликларнинг детерминантлари”², деб тушуниш керак.

Криминологик адабиётларда ҳуқуқбузарликлар сабаб ва шароитларининг асосий ва қўшимча, объектив ёки субъектив каби турлари ҳам мавжуд.

Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактик чора-тадбирларни кўриш орқали амалга оширилади.

Ушбу чора-тадбирларнинг самарадорлиги албатта, ҳуқуқбузарликлар, уларнинг сабаб ва шарт-шароитлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолиятини таҳлил қилиш ва унинг натижаларига боғлиқ ҳисобланади. Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 27 июль куни жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида сўзлаган нуткидан. <https://xabar.uz/uz/siyosat/shavkat-mirziyoyev-bitta-bolsa-ham>.

² Криминология: Дарслик / З.С.Зарипов, Ю.С.Пулатов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – Б.474

бераётган шарт-шароитларни бартараф этишда мазкур сабаб ва шароитларни бартараф этиш юзасидан киритиладиган тақдимномаларнинг ўрни ва роли катта. “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасида хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш мумкинлиги белгиланган. Мазкур тақдимномаларнинг бир нечта қонунларда кўрсатилиши уни турлича тушунилишига сабаб бўлиб, уларни таснифлашга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқармоқда.

Тақдимнома киритувчи субъектлар ва тақдимномалар мазмуни бўйича уларни қуйидагича таснифлаш таклиф этилади:

- 1) прокурор томонидан киритиладиган тақдимномалар;
- 2) хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа субъектлар томонидан киритиладиган тақдимномалар;
- 3) хуқуқбузарлик ишини юритувчи мансабдор шахслар томонидан киритиладиган тақдимномалар (жиноят ва маъмурий хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт шароитларни бартараф этиш юзасидан киритиладиган тақдимномалар).

Амалдаги қонун ҳужжатларида хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш чорасини назарда тутувчи қонун нормаси Жиноят-процессуал кодексининг

6-бўлими ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196 ва 313-моддаларида ўз ифодасини топган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг “Маъмурий хуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган

шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома” номли

313-моддасида ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) зиммасига маъмурий хуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш тўғрисида тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тақдимнома киритиш мажбурияти юклатилган.

Маъмурий хуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома деганда, ўзида содир этилган маъмурий хуқуқбузарликнинг сабаби ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитни тавсифловчи фактик маълумотларни ҳамда ушбу сабаб ва шароитларни бартараф этиш

чора-тадбирларини ифодаловчи, шунингдек тегишли корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига маъмурий хуқуқбузарликнинг сабаби ва содир этилишига имкон бераётган

шарт-шароитни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи процессуал ҳужжатдир.

Мавжуд тартиб тақдимнома киритилган корхона, муассаса, ташкилот, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига нисбатан “тақдимнома талаблари билан танишиб чиқиш ва тегишли чоралар қўллаш ҳамда бу ҳақда тақдимнома юборган орган ёки мансабдор шахсга бир ой муддат ичида ёзма равишда жавоб юбориши шарт”лигига оид талабни қўяди. Ушбу талаб бажарилмаган ҳолларда қонунда назарда тутилган жавобгарлик келиб чиқади³.

Мансабдор шахснинг қуйидагиларга йўл қўйиши жавобгарликнинг келиб чиқишига асос бўлади:

³ Криминология: Дарслик / З.С.Зарипов, Ю.С.Пулатов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – Б.474

– тақдимнома ёки хусусий ажрим талаблари бўйича зарур чораларни кўрмаслик ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ойлик муддат ичида тегишлилиги бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судни хабардор қилмаслик;
– тақдимнома ёки хусусий ажрим талабларини виждонан бажармаслик, яъни кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида тегишлича суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд хабардор қилинган бўлса-да, амалда ҳеч қандай чора кўрилмаганлик ёки масалага юзакилик билан ёндашганлик.

– “тақдимнома” муайян чоралар кўриш мажбуриятини юклайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома тузилиши жиҳатдан, одатда, қуйидаги уч қисмдан ташкил топади:

Кириш қисми. Ушбу қисмда тақдимнома қайси корхона, муассаса, ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига киритилаётганлиги, тақдимномани киритувчи мансабдор шахснинг лавозими, унвони, исми, фамилияси, отасининг исми, юритувдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ёки юритишга асос бўлган ҳужжат (ёки юритилаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг рақами) ўз ифодасини топтоғи лозим.

Тавсифлаш ва асослантириш қисми. Мазкур қисмда авваламбор, маъмурий ҳуқуқбузарлик қачон, қаерда, кимлар томонидан, нима учун, қайси усул ва шаклда содир этилганлиги, натижада қандай ҳуқуқий оқибат келиб чиққанлиги бўйича қилмишга тавсиф берилиб, ҳуқуқбузарнинг айбдорлиги эътироф этилади. Шундан сўнг, ҳуқуқбузарнинг айбни тасдиқловчи далиллар, сўнгра мазкур маъмурий ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқишига туртки берган сабаблар ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни акс эттирувчи фактик маълумотлар келтириб ўтилади.

Тақдим этиш қисми. Ушбу қисм тақдимноманинг сўнгги, яқунловчи қисми бўлиб, унда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг аниқланган сабаби ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан кўрилиши лозим бўлган профилактик чора-тадбирлар тизими, тақдимномага бир ой муддат ичида жавоб қайтариш шартлиги, акс ҳолда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196-моддасида кўрсатилган маъмурий жавобгарликнинг келиб чиқиши қайд этилади ва тақдимнома киритаётган мансабдор шахс томонидан имзоланади.

Тақдимнома профилактика (катта) инспекторлари томонидан киритилганда ички ишлар органи бошлиғи ёки унинг ўринбосарлари томонидан тасдиқланиши мумкин. Амалиёт органларида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг келиб чиқишини аксарият ҳолларда тақдимнома ёки хусусий ажрим юборган орган ёки мансабдор шахсга тақдимнома ёки хусусий ажрим келиб тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичида ёзма равишда жавоб хати юборилиши билан боғлаб тушунилаётганлиги кузатилади. Баъзида тақдимнома киритилган корхона, муассаса, ташкилот, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг амалда ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан айтарли ҳеч қандай профилактик чора-тадбирни амалга оширмасдан, тақдимнома ёки хусусий ажрим юборган орган ёки мансабдор шахсга жавоб хати юбориш билан қифояланаётганлигини ҳам кўриш мумкин. Натижада тақдимнома ёки хусусий ажрим талабларини бажариш масаласига юзаки ёндашиш келиб чиқмоқда⁴.

Бугунги кунда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома киритиш амалиёти деярли кузатилмайди, киритилаётган тасдимномаларнинг эса ягона шакли мавжуд

⁴ Криминология: Дарслик / З.С.Зарипов, Ю.С.Пулатов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – Б.474.

эмас. Шу боис амалиётда айрим тақдимномаларни ўта саёз тайёрланиши ҳам кузатилади. Шу боис биринчидан, мутасадди мансабдор шахс (орган) томонидан киритиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш тўғрисидаги тақдимноманинг намунавий шаклини яратиш, иккинчидан, амалиёт органларида маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритишга доир амалиётни шакллантириш; учинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш ва бартараф этишга доир фаолиятини белгилаб берувчи ҳуқуқий механизмни жорий этиш ва амалиётга татбиқ этиш талаб этилади. Бу эса маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва қонунни қўллаш амалиётида юзага келадиган айрим муаммоларнинг эчимини топишга хизмат қилади.

Тақдимноманинг муҳокамасида эса ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт, жой, усул, восита, ҳуқуқбузар ва ҳуқуқбузарликдан жабрланганнинг шахси, улар ўртасидаги алоқа ва муносабат, ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар каби масалалар муҳокама қилиниши ва ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича аниқ қарорлар қабул қилиш талаб этилади. Ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш ҳолати бўйича у содир этилган куннинг эртасига амалга ошириладиган муҳокамаларни қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ саналади:

1) аҳоли ёки кенг жамоатчилик ўртасида амалга ошириладиган муҳокамалар;

2) ҳуқуқбузарлик ёки ғайриижтимоий қилмишларнинг муҳокамаси шахснинг шаъни ва қадр-қимматига даҳл қиладиган ҳолларда, фақат давлат органлари ёки хизматлари ходимлари, мутасадди шахслар иштирокида ўтказиладиган муҳокамалар.

Республикамиздаги хизмат олиб бораётган барча профилактика инспекторлари томонидан сидқидилдан ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш мақсадида маҳалласида жойлашган барча корхона ташкилот, давлат органлари, ҳокимият идораларига йўналиши бўйича тақдимномалар киритилиб, киритилган тақдимномаларнинг ижросини таминласа Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганидек “Ички ишлар органлари шундай хизмат қилиши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин. Инсон тақдирини ҳал этишда ходимнинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида эса поклик устувор бўлиши шарт” деган сўзларининг амалда намоён бўлишини, халқимиз давлатдан рози бўлиб тинч тотув яшашини кўришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, профилактика (катта) инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш фаолияти мураккаб, аммо энг муҳим фаолият йўналиши ҳисобланади. Бу борада, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритишнинг роли катта. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш профилактика инспекторларининг энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бироқ, бу учун профилактика (катта) инспекторларидан махсус криминологик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасига доир билимлар ва юқори касбий маҳорат талаб этилади. Кучли билимга эга бўлган профилактика инспекторлари келгусида ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш ишларини самарали амалга оширишга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 27 июль куни жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқидан. <https://xabar.uz/uz/siyosat/shavkat-mirziyoyev-bitta-bolsa-ham>.
- 2) Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.- Т. 2017.- Б.317.
- 3) Криминология: Дарслик / З.С.Зарипов, Ю.С.Пулатов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – Б.474. 91
- 4) Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И. Исмаилов, Қ. Р. Абдурасулова, И. Ю. Фазилов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б.94. 92
- 5) угли Г'офуров АА, о'ғ'ли Мустофакулов Б.А.ХУҚУҚИЯТЧИЛИКЛАРНИ профилактика хизматида КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИНИ ТАКМОНЛАШ //“ИЛМИЙ ИЛМИЙ АВТОЛАР ВА ИННОВАЦИОН ТИЗИМЛАРИ” ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ. – 2024. – Т. 1. – Ё'қ. 2. – 16-22-бетлар.
- 6) о'ғ'ли Мустофакулов БА, о'ғ'ли Ду'сमतов СР ОЗОДЛИГИНИ ЧЕКЛАШГА МАҲКУМ ОЛГАН ШАХСЛАР БИЛАН ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БО'ЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЖРИБАСИ // New Science Societiy International Scientific Journal xabarnomasi. – 2024. – Т. 1. – Ё'қ. 6. – 193-200-бетлар.
- 7) Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти Дарслик муаллифлар: А.С.Турсунов, Т.Б.Маматкулов, Қ.А. Саитқулов, Б.Ф. Алимов, Х.Е.Ахмедов, Ш.Р.Ғофуров, З.Ш.Шаумаров, У.Т.Шодмонов, А.Р.Абдуғофуровлар. Тошкент 2023. 89-101-бетлар.
- 8) Qushboqov S. X. Usipbekov N J Yurtimizda mahkumlarni ozodlikka tayyorlashda amalga oshirilgan islohotlar va ulardan kutilayotgan natijalar //Models and methods in modern science. – 2023. – Т. 2. – №. 12. – С. 179-182.
- 9) Qushboqov S., Tilabov S. Kiber jinoyatlardan saqlanishda umumiy profilaktikani o'rni //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 18. – С. 67-69.
- 10) Кушбоцов Ш. Юртимизда тадбиркорликни жазони ижро этиш тизимидаги истицболи //Models and methods in modern science. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 114-117.
- 11) Охунов З., Кушбоцов Ш. ТТСЭ (2022). Хуццбузарликларни олдини олишга оид айрим мулох, азалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
- 12) Qushboqov S. Isroilov D. Profilaktika inspektorining huquqbuzarliklar profilaktikasida adliya organlari bilan xamkorligi tushunchasi //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 23. – С. 96-103.
- 13) Qodirjonovich J. Z., O'G'Li Q. S. X. Bir guruh shaxslar tomonidan axborot texnologiyalardan foydalanib sodir etilgan firibgarlik va o 'g 'rilik jinoyatlarining sodir etish usullari va ularni tergov qilishga oid ayrim mulohazalar //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2024. – Т. 4. – №. 5. – С. 137-144.
- 14) Qushboqov S. Mamatova D. Yangi O'zbekistonda huquqbuzarlik profilaktikasining o'rni //current approaches and new research in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 37-39.
- 15) Qushboqov S. Zamonov X. Shaxsning hayoti va sogligiga qarshi jinoyatlarning oldini olishning oziga xos xususiyatlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 79-84.

- 16) Қушбоқов Ш. С. М. Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўрни //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 73-76.
- 17) Охунов З. М., Қушбоқов Ш. Х. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
- 18) Қушбоқов Ш. Т. Ж. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми ҳуқуқий тартибга солиш истиқболи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 49-55.
- 19) Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 58-63.
- 20) Алтмишев Т., Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг сайловга оид ҳуқуқларини таъминлаш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – С. 112-114.
- 21) Қушбоқов Ш. Т. Э. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги маҳкумлар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби //Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 35-44.
- 22) Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.
- 23) Рустамов С. Қушбоқов Ш. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ўрни //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – С. 10.
- 24) Aymaxanovich, Kalauov Saydulla, Allayarov Nurmanbet Urazimbetovich, and Qushboqov Shohrux Xasan o'g'li. "Yo'l-transport hodisalarini oldini olish faoliyatini takomillashtirish." *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* 2.1 (2024): 157-160.
- 25) Qushboqov S., Xalilov J. MA'MURIY JAZO TUSHUNCHASI, MAQSADI VA TURLARINING MAZMUN-MOHİYATI //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 7-12.
- 26) Qushboqov S., Jumashev O. Huquqbuzarliklar profilaktikasida deputatlik va parlament nazoratining o'рни //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 54-56.
- 27) Qushboqov S. Narsani musodara qilish jazosini ijro etishning ilmiy-nazariy tahlili //Развитие педагогических технологий в современных науках. – 2025. – Т. 4. – №. 1. – С. 79-83.
- 28) Қушбоқов Ш. Сущность понятия и виды административного взыскания //Общество и инновации. – 2024. – Т. 5. – №. 6. – С. 418-423.
- 29) Қушбоқов Ш. Научно-теоретический анализ исполнения наказания в виде возмездного изъятия предмета //Общество и инновации. – 2025. – Т. 6. – №. 1/S. – С. 87-90.